ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ПАХТА САВДОСИ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТИШИ

(Колониал давр мисолида)

А.Мирзаев

Мақолада колониал даврда Туркистон ўлкасида, хусусан, Фарғона вилоятида пахтачиликнинг ривожланиши тарихининг айрим жиҳатлари ёритилган. Архив ҳужжатларини манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиш орқали ушбу минтақада пахта савдосининг амалга оширилиши масалалари баён этилган.

***Калит сўзлар**: архив, тадқиқотчи, илмий муомала, пахта савдоси, даллол, бай пули, ҳужжатли манба, фармойиш, буйруқ, уезд, волость.*

В статье освещены некоторые аспекты истории развития хлопководства в Туркестанском крае, в частности, в Ферганской области в колониальный период. Путем анализа архивных материалов с источниковедческой точки зрения изложены вопросы осуществления торговли хлопком в данном регионе.

***Ключевые слова**: архив, исследователь, научный оборот, торговля хлопком, маклер, заклад, документальный источник, распоряжение, приказ, уезд, волость.*

In this article some aspects of history of development of a cotton breeding in the Turkistan region, in particular in the Fergana region during the colonial period. Besides, by the analysis from the source study point of view, questions of implementation of trade in cotton in this region are stated.

***Key words:** archive; researcher; scientific turnover; trade in cotton; broker; mortgage; documentary source; order; order; county; volost.*

Ўзбекистон халқи миллий мустақиллигини қўлга киритгач, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Ўтган 25 йил мобайнида жамият ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, тарих фани соҳасида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди.

И.А.Каримов “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли асарида “Тарихни унутган, ундан тўғри сабоқ чиқариб яшамайдиган халқ доимо йўлидан адашади. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, деган гапнинг маъноси шунда. Шу нуқтаи назардан қараганда, яқин ўтмишимизда рўй берган воқеаларни одамларнинг, айниқса, ёшларнинг эсига солиб туриш керак, деб ҳисоблайман”, - деб таъкидлаган эди [1.119].

Ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини тиклашда архив ҳужжатларининг аҳамияти каттадир. Илгари ўрганилмаган, истибдод мафкурасига мос тушмагани учун четлаб ўтилган архив ҳужжатларини илмий муомалага киритиш чоризм ва шўро мустамлакачилари сиёсатининг асл моҳиятини очиб беради ва халқимизнинг ҳақиқий тарихини ёритишда ёрдам беради [2.7-8].

Тадқиқотчиларнинг архив ҳужжатлари устида ишлаш усуллари ва йўллари: тадқиқот мавзуси, архив материаллари билан ишлашда мавзунинг аҳамияти, фойдаланилиши лозим бўлган ҳужжатли материаллар характери ва ҳажми, фойдаланиш шакллари, бу соҳада ўзидан олдин фаолият кўрсатган олимларнинг ишларида мазкур материаллардаги маълумотлардан фойдаланилганлик даражаси каби кўплаб ҳолатларга боғлиқ бўлади [5.63-64].

XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империяси таркибида бўлган Туркистон ўлкасининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганишда пахтачилик соҳасининг ривожланиши тарихини ёритиш ҳам муҳим ўрин тутади. Бу давр пахтачилиги тарихида пахта савдоси масаласини ўрганиш ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, бир қатор илмий адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида атрофлича баён этилган [6].

Тадқиқотчи кўпинча архив ҳужжатларига мурожаат қилиб, келгусида амалга оширадиган ишининг асосий моҳиятини белгилаб олади [5.90].

Ушбу мақолада колониал даврда Фарғона водийсида пахта савдоси масаласи ёритилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви фондларидаги айрим ҳужжатларни манба сифатида таҳлил этиш орқали баъзи маълумотлар илк бор илмий муомалага киритилмоқда. Бунда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори бошқармаси ва унинг таркибидаги уездлар бошлиқлари маҳкамалари ҳамда волостлар бошлиқлари ўртасидаги турли ёзишмалар: фармойишлар, буйруқлар, ведомость (ахборотнома)ларда акс этган пахта савдосига оид маълумотлар муҳим ўрин эгаллайди.

Ўлкада, хусусан, Фарғона вилоятида етиштирилган пахтанинг завод-фабрикаларга етказиб берилиши жараёнида волост ва уездлардаги пахта савдоси муҳим аҳамият касб этарди. Волост бозорларига пахта америка ва маҳаллий навларга ажратилган ҳолда келтирилиб, алоҳида-алоҳида нарх белгиланарди. Бозорларда америка ва маҳаллий пахта навлари нархлари ўртасидаги тафовутни Шаҳрихон волостидан Марғилон уезд бошқармасига 1888 йилги пахта мавсумида юборилган ҳафталик маълумотлар таҳлилида кўриш мумкин.

1888 йил 16 ақрабда [3.854] бозорга келтирилган пахта: тозаланмаган америка навли пахта 560 пуд, 1 пуди 75 копеек, жами 471 рубл; маҳаллий нав пахта толаси 120 пуд, 1 пуди 4 рубл, жами пули 480 рубл.

Жами тозаланмаган америка пахтаси 350 пуд, 1 пуди 1 рубл 60 копеек. Жами пули 560 рубл.

1888 йил 23 ақрабда бозорга келтирилган пахта: тозаланмаган маҳаллий нав пахта 550 пуд, 1 пуди 70 копеек, жами 385 рубл; маҳаллий нав пахта толаси 110 пуд, 1 пуди 4 рубл 5 копейка, жами 445 рубл 50 копеек.

Жами тозаланмаган америка навли пахта 250 пуд, 1 пуди 1 рубл 70 копеек, жами 425 рубл.

1888 йил 30 ақрабда бозорга келтирилган пахта: тозаланмаган америка навли пахта 500 пуд, 1 пуди 80 копеек, жами 400 рубл; америка навли пахта толаси 200 пуд, 1 пуди 4 рубл, жами 800 рубл.

Жами тозаланмаган америка навли пахта 100 пуд, 1 пуди 1 рубл 70 копеек, жами 170 рубл [14.11;14.16].

Кейинроқ, эса ҳисобот юзасидан талаблар ортиб, америка пахтасининг учта нави бўйича нархлари ҳақида волост ва бозор оқсоқолларининг имзоси билан тасдиқланган ахборотлар тақдим этиб борилган. Масалан, 1909 йилнинг январь ойида Қува волостида 1-нав америка пахтасининг 1 пуди – 3 рубл, 2-нави 2 рубл, 3-нави 1,50 рублдан сотилган бўлса, февраль ойига ўтиб эса нархлар пасайганини кўрамиз: 1-нав 2,95 рубл, 2-нав 1,95 рубл, 3-нав 1,45 рубл [20.2-5,14].

Умуман олганда, пахта мавсуми бошланган август ойи бошида, яъни илк ҳосил бозорга чиққан кунларда пахта нархи қимматроқ бўлиб турган. Бозорга асосий ҳосил чиққан сентябрь ва октябрь бошларида пахта нархи бироз тушган. Бироқ далада ҳосил камая бошлаган октябрь ойи охирлаганда, нархлар яна кўтарила бошлаган. Масалан, Наманган уездида 1892 йилнинг сентябрь ойида 1 пуд америка пахтаси толаси 7 рублдан камга сотилган бўлса, октябрга келиб 7 рублга кўтарилган. Маҳаллий пахта толаси ҳам бу вақтга келиб 6.50

рублга чиққан. Ноябрда эса америка пахтасининг 1 пуди 7.75 рублга, маҳаллий пахта нархи эса 7 рублга ошган. Харажатлар эса, масалан, тозалашга 8 копейка, пресслашга 7 копейка, упаковкалаш (тойлаш)га 50 копеек сарфланган ва бу ҳолат мавсум давомида ўзгармаган. Маҳаллий пахта навини тозалаш америка навига қараганда анча қиммат бўлиб, яъни 17 копеекни ташкил этган.

Бироқ бу маълумотлардан пахта нархи йил сайин ортиб борган деган хулосага келмаслик керак. Чунки вилоятдаги пахта нархи, аввало, табиий шарт-шароит (иқлимнинг яхши келиши, табиий офатлар, сув) ҳамда унга кетаётган сарф-харажат (ишчи кучи, ўғитлаш ва техник воситалар) билан боғлиқ бўлиб, Туркистон ва Россия бозорларидаги бошқа омиллар иккиламчи аҳамиятга эга эди.

Марғилон уезди бошлиғининг 1900 йил 27 июлдаги 6103-сонли буйруғи маҳаллий аҳоли вакиллари орасидан тайинланадиган волост бошлиқларига йўлланиб, ҳужжатнинг чап томонида рус тили, ўнг томонида эса араб графикасидаги матн ёзилган. Ҳужжат мазмуни қуйидагича: яқин орада пахта мавсуми бошланиши билан қуйидаги шахслар бозорда ўз фаолиятини бошлайди: 1) маклерлар, яъни маҳаллий аҳоли даллол деб атайдиган савдо воситачилари. Бу шахслар пахта сотиб олиш билан шуғулланувчи фирмалар ва завод эгалари топшириғига кўра пахта етиштирувчиларга пахта хомашёсини пахта заводларига ўз муддатида етказиб бериш шарти ва мажбуриятларини қўйиш эвазига олдиндан бай пули тарқатишган. Бу шахслар ўзларига ваколат берган пахта билан шуғулланувчи фирмалар ва пахта заводлари ижарачиларининг ҳисобига ва таваккалчилиги эвазига фаолият кўрсатишган; 2) маҳаллий аҳоли жаллоблар деб атайдиган пахта олиб сотувчилар (жаллоб (арабча ўзига тортувчи; савдогар) – олиб сотувчи.) [11.67], ўз маблағига ва таваккалчилиги эвазига келгусида юқори нархларда қайтадан сотиш мақсадида пахта хомашёсини сотиб олишган.

Ҳар иккала тоифага мансуб бўлган шахслар, келгусида даллоллик ва олиб сотарлик билан шуғулланиш учун, юқори нархда қайта сотиш мақсадида сотиб олинган пахта ҳажмига кўра 11-12 рубль миқдорида давлатга солиқ тўлаши ва тегишли гувоҳномага эга бўлиши лозим.

Баён этилганларга кўра уезддаги барча волостлар оқсоқоллари, шунингдек, Эски Марғилон шаҳрининг катта оқсоқоли, келгусида пахта хомашёсини сотиб олиш ва қайта сотиш билан шуғулланадиган шахслар томонидан юқоридаги талабларга қатъий амал қилиниши устидан назоратни олиб борадиган маҳаллий вакилларга эга бўлишлари талаб қилинади [19.180-181].

1905 йилда ҳар бир десятина ердан америка пахтасидан ўртача 80-100 пуд, маҳаллий пахтадан 60-65 пуд ҳосил олинган. Пахта нархи эса 1 пудига америка пахтаси 2.40 - 3.40 рубль атрофида бўлган. Маҳаллий пахтанинг 1 пуди эса 1.60 рублдан 2.40 рублгача сотилган. Америка пахтасининг 1 пуд тоза толаси 8.40 – 8.90 рублдан баҳоланган [12.14-15, 47-48]. Лекин бу йилда ҳам пахтакорларга етарли миқдорда кредитларнинг берилмаслиги ҳисобига пахта майдонлари ҳажмининг қисқариши давом этгани қайд қилинган.

Рус молиявий капитали фермерлар ва маҳаллий буржуазия орқали пахта сотиб олиш ва сотиш ишлари устидан тўла назорат ўрнатди. Натижада пахтакор деҳқон пахтани, бозордаги нарх қандай бўлишидан қатъи назар, маҳаллий бойлар таклиф қилган нархдан ортиқча сота олмас эдилар [8.24].

Пахта олди-сотдисида кўпинча савдо ширкатлари маҳаллий чистачилар билан шартнома тузиб олар ва уларга олдиндан кредитлар бериб турарди. Пахта савдосининг яна бир кўринишида маҳаллий савдогарлар ўз қўл остидаги пахтани тозалангандан кейин тола кўринишида ширкатлар билан савдо шартномалари тузиб сотганлар. Масалан, Обиджон Алисаидов ва Потеляхов савдо Ширкати вакили Р.Ш.Потеляхов ўртасида 1906 йил 15 январда тузилган келишув шартномасига кўра, 120 кип (1 кип= 7 фунт) тозаланган ҳолдаги прессланган америка пахтаси ўрта навининг 1 пуди 9.20 рублдан сотилган. Ширкатга тегишли мазкур 206-иш ҳужжатларида 1906 йил давомида бундай тартибда тузилган ўнлаб олди-сотди шартномаларини кўриш мумкин [15.1-2,5-7].

Умуман олганда, пахта корчалонлари пахтани имкон қадар арзон нархларда сотиб олиб ташиб кетишга ҳаракат қиларди. Масалан, Ярославль Катта мануфактурасининг Тошкентдаги бош конторaси бошлиғи Куриловдан 1911 йил 21 сентябрда Марғилон уездидаги вакилига юборилган телеграммада қуйидагиларни ўқиймиз: “*Америкада давом этаётган пахта нархининг пасайиши туфайли бошқарма (юқоридагилар – М.А.) пахтани имкони борича 12 рубль 80 копеейкдан ортиқ бўлмаган баҳода сотиб олиш ҳақида телеграмма юборган. Бошқа фирмалар билан биргаликда пахтани сотиб олиш баҳосини пасайтириш чораларини кўринг. Ишнинг ҳолати хақида ҳар куни телеграмма орқали хабар қилинг. Пайшанба куни Қўқонда бўламан. Имзо: Курилов* [17.4].

Тайёр пахта толаси ўлкадаги юк ташиш фирма ва компаниялари ёрдамида Россиянинг Европа қисмига ташиб кетиларди. Бу борада Фарғона водийсида энг фаол иш олиб борган компаниялар “Гергард ва Гей” ва “Кавказ ва Меркурий” акционерлик жамиятлари ҳамда “Маҳсулот омборхона-

ларининг Шарқий Жамияти” (Восточное общество товарных складов) эди [16].

Туркистонда америка пахтаси тарқалишининг умумий жиҳатларига тўхталсак, ҳақиқатан ҳам бу нав ўлканинг бошқа ерларига нисбатан Фарғона вилояти иқлимига тез мослашганини эътироф этиш жоиздир. Чунки пахтанинг айни шу навидан Сирдарё вилоятида 4,3 %, Самарқанд вилоятида 3,5 % ҳосил олинаётган бир вақтда Фарғона вилоятида 31 % ҳосил етиштирилаётган эди [4]. Бундай кўрсаткичлар ўлка амалдорларининг иштаҳасини очиб юборди ва вилоят қишлоқ хўжалигини бутунлай пахтачиликка йўналтирилди. Натижада пахта майдонларининг ҳажми 1888 йилдан 1913 йилгача 7 бараварга ортди. Бошқача айтганда, Фарғона вилоятида 1888 йилда маҳаллий ғўза нави экиладиган майдон умумий ҳисобдан 57 % ни ташкил этган бўлса, 1913 йилга келиб 4 % га тушиб қолди. 1915 йилга келиб америка пахтаси экиладиган майдонлар ҳажми 1888 йилга нисбатан 10 баробар ортган. Аниқроқ айтганда, америка навли пахта майдони 34,7 минг десятинадан 336,5 минг десятинага етган эди. 1900 йилга келиб Фарғона вилоятида умумий ҳисобда 183 326 десятина ерга пахта экилиб, 14 млн. пуд пахта териб олинган бўлса, ушбу кўрсаткич Туркистон ўлкаси пахтасининг 82 %ини ташкил этган. Бу вақтга келиб ҳосилнинг асосий қисми америка пахтасидан олинарди.

Хусусан, Познань фирмаси ва “Перс” Ширкатининг Туркистондаги ишончли вакили бўлган Г.А.Неймарк Шимолий Америкадан америка пахтасининг янги уруғлик чигитини келтириш масаласида Туркистон Қишлоқ хўжалик жамияти раиси Р.Шредерга мактуб билан мурожаат қилган. 1904 йил 16 апрелда бу масалада бўлиб ўтган мажлисда ўлка шароити учун зарур бўлган америка пахтасининг тезпишар Кинг нави чигитини олиб келиш масаласи кўтарилган [18.3,12]. Умуман олганда, Р.Шредер Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришда АҚШдаги мутахассислар билан доимо алоқада бўлиб туриш тарафдори эди. У ҳатто 1912 йил ноябрида Тошкентда бўлиб ўтган пахтакорлар съезд (қурултой)ида ҳам Туркистон АҚШда Америка пахтачилиги бўйича ўзининг доимий вакилига эга бўлиши керак деган таклифни киритган эди [13.126].

Албатта, америка пахтасини етиштириш бўйича Фарғона вилоятида катта ютуқларга эришилгани ва вилоят ҳудудига катта молиявий маблағлар кириб келишига қарамай, бу чора-тадбирлар оддий халқнинг турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилмас эди. Зеро, пахта майдонларининг ортиши билан бошқа экинларни экиш камайиб борди ва натижада озиқ-овқат махсулотлари нархи кескин ортди. Масалан, 1890-1894 йилларнинг ўзида нон нархи 2,5 баробар ошган. Агар пахта нархи 1889-1911 йилларда 1.60 рублдан 3.50 рублга ошган бўлса, нон нархи вилоятда 2-3 баробарига ошиб кетди. Бу ҳолат келгусида ҳукумат учун бир қатор муаммоларни келтириб чиқаришини Фарғона вилояти губернатори ҳам қайд қилишга мажбур бўлган эди [7.8].

Масаланинг яна бир муҳим томони оддий деҳқон пахта етиштириш учун 100 рубль кредит олса, йил охирида уни 140-148 рубл қилиб қайтариб бериши керак эди. Бунинг оқибатида кўплаб деҳқонлар хонавайрон бўлиб, гаровга қўйган ерларидан ажралиб колар, ўз ерларини сотиб қарз тўлар ёки ерлари чистачи – фирмалар томонидан мажбуран тортиб олинарди. В.Юферовнинг ёзишича, Фарғона вилоятининг Оқтепа, Миробод, Сариқуй, Заврақ, Ҳакан қишлоқларида деҳқонларнинг воситачи ва чистачилардан қарзи 1907 йилда 98.896.500 рублга етган [10.60]. Еридан айрилиб, ерсиз батракларга айланиб қолган деҳқонлар сони эса айрим уездларида 40% га бориб қолди. Бу каби ҳолатлар Фарғона вилояти қишлоқ аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг янада оғирлашишига олиб борди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, колониал давр пахтачилигида Туркистон ўлкасида, хусусан, Фарғона вилоятида пахта савдоси масалаларини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фондларида сақланаётган, илгари фойдаланилмаган ҳужжатли манбаларни манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиб, илмий муомалага киритиш келгусида мазкур мавзуни батафсил ўрганиш ва ёритишда муҳим ўрин тутади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. 304 б.

2. Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув қўлланма. – Т.: Тафаккур бўстони, 2015. - 192 б.

3. Ақраб – мусулмон мучал йилидаги ой номи, Григориан календарида 22 октябрдан 24 ноябригача бўлган даврни ўз ичига олади. Қаранг: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2001. - 879 б.

4. Глушенко Е. А. Россия в Средней Азии. Завоевания и преобразования. – М.: Центрполиграф, 2010 г. - 608 с.

5. Горфейн Г.М., Шепелев Л.Е. Архивоведение. Учебное пособие. Издательство ЛГУ, 1971. – С.86

6. Зиёев, Ҳамид. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: Шарқ, 2006. - 352 б.; Зиёев Ҳ. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. – Т.: Фан, 1980. – 46 б.; Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (Ўтмиш ва ҳозир). – Т.: Ўзбекистон, 1994.-300 б.; Тарих шоҳидлиги ва сабоқлар: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Т.: Шарқ, 2001. - 464 б.; Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи. Туркистон чоризм мустамлакачилиги даврида. I-китоб. – Т.: Шарқ, 2011. - 552 б.; Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Тошкент, 2005. - 534 б.

7. Касымбеков К.Ф. Социально-экономическое и политическое положение Ферганы в конце 19 – начале 20 века. Автореф. дисс. … канд. ист. наук. – Т., 1966. – 24 с.

8. Шарафутдинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири – XX аср бошлари).- Т.: Наврўз, 2013. – 80 б.

9. Шепелев Л.Е. Работа исследователя с архивными документами.- М.: Наука, 1980. - С.128

10. Юферов В. Хлопководство сартов Ферганской области. – Т., 1911. – 60 с.

11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т., 2006. – 671 б.

12. ЎзР МДА. 7-фонд. 1-рўйхат. 2729-иш.

13. ЎзР МДА. 7-фонд. 1-рўйхат. 3143-иш.

14. ЎзР МДА. 23-фонд. 1-рўйхат. 1583-иш.

15. ЎзР МДА. 93-фонд. 1-рўйхат. 206-иш.

16. ЎзР МДА. 99-фонд. 1-рўйхат. 63, 71, 85-ишлар.

17. ЎзР МДА. 99-фонд. 1-рўйхат. 85-иш.

18. ЎзР МДА. 103-фонд. 1-рўйхат. 79-иш.

19. ЎзР МДА. 298-фонд. 1-рўйхат. 4-иш.

20. ЎзР МДА. 298-фонд, 1-рўйхат. 110-иш.

Андижон давлат университети,
2016 йил 7 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Абдуллаев)